



№38 (891)
2025 йил 2 май,
жума

O'ZBEKISTON

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



f uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor @ uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

“АРДА ХИВА” ХОРАЗМНИНГ ЗАМОНАВИЙ “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ” БЎЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, янги истиқболли режаларни белгилаш мақсадида 1 май куни Хоразм вилоятига келди.

Бу ўлка қадим тарихи ва маданияти билан туризм жозибдорлигига эга. Ҳозирги иқтисодий раўнақи туфайли ишбилармонлик ташрифлари ҳам кўпаймоқда. Лекин Урганч халқаро аэропорти аҳоли ва меҳмонлар талабига ўтла жавоб бермаяпти. У соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсата олади, холос. Бу катновларни кўпайтириш имконини бермаяпти. Шунинг учун аэропортни модернизация қилиш ва бошқарувга бериш кўзда тутилган.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳанинг бориши ҳақида ахборот берилди.

Бу борада 2024 йил 1 августда эълон қилинган очик тендер икки босқичда ўтказилиб, унда Франция, Корея, Туркия, Қатар каби давлатлардан саккизта компания иштирок этди. Яқунда идоралараро тендер комиссиясининг қарори билан Корея Республикасининг Incheon International Airport Corporation компанияси ғолиб деб топилди.

Президентимиз ушбу компания ва лойиҳа раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Компания президенти Инчон халқаро аэропорти сизими бўйича дунёда учинчи ўринда туриши, сервис бўйича етакчилардан бири эканини айтди. Урганч компаниянинг иккинчи аэропорти бўлишини таъкидлаб, уни янгилаш ва бошқариш режаларини маълум қилди.

Давлатимиз раҳбари бундай илғор компания билан шерикликдан хурсандлигини таъкидлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича фикрларини билдирди.

Хоразмда кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш ва савдо марказлари барпо этилганди. Келажакда сайёҳлар оқимини 5 миллионга етказишни мақсад қилганмиш. Бунга аэропорт билан ҳамоҳанг қилсак, ўзаро манфаатли бўлади, даромад кўпаяди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Хорижий авиакомпаниялар билан ҳамкорликда самолётлар олиб келиб, ташувларни кўпайтириш

бўйича фикр алмашилди. Ушбу шерикликдан фойдаланиб, сервис бўйича Корея тажрибасини ўрганиш, мутахассисларимизни ўқитиш ва малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 223 миллион АҚШ доллари бўлиб, унинг доирасида янги учиш-қўниш йўлаги, йўловчи ва юк терминаллари қуриш, “ICAO” талабларига жавоб берувчи ёритиш-сигнал қурилмалари ўрнатиш, махсус техникалар харид қилиш кўзда тутилган.

Қурилиш-реконструкция ишлари 2025-2027 йиллар давомида амалга оширилади. Буларнинг натижасида аэропорт Boeing 747 ва Airbus 350 каби йирик ҳаво кемаларини қабул қилиш имконига эга бўлади. Аэровокзалнинг умумий майдони 39 минг квадрат метрга етиб, соатига 1 минг 300 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қуввати яратилади.

Умуман, бундай замонавий инфратузилма орқали Урганч аэропорти энг қулай йўналишлардан бирига айланади. Хоразмнинг хорижий сайёҳлар учун жозибдорлигини оширишга ҳамда мамлакатимиз авиация соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Бўлажак янги терминал лойиҳаси ҳам тақдимот қилинди. Президентимиз унинг ички ва ташқи қиёфасида миллий руҳни акс эттириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда давлатимиз раҳбари журналистлар билан ҳам мулоқот қилди. Хоразмга ташрифдан мақсад янги марраларни белгилаб, иқтисодиёт кўрсаткичларини янада ошириш, вилоятда яшаётган 2 миллиондан зиёд аҳолининг шароитини яхшилаш, иш ўринлари очиб, одамларнинг даромадини кўпайтириш экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ал-Хоразмий шаҳарчасининг қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил августда ушбу шаҳарча пойдеворига тамал тоши қўйган эди. Ўтган йилларда муҳандислик тармоқлари тортилиб,

1 минг 773 та хонадонли 72 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Бу йил мингта хонадонли яна 28 та турар жой қурилиши режалаштирилган. Бу ерда жами 5 мингдан ортиқ хонадон бўлади.

Шаҳарча Урганч халқаро аэропорти яқинида, 130 гектардан зиёд ҳудудда бунёд этилмоқда. Самолётдан тушган меҳмонларнинг кўз ўнгига аввало мана шу гўзал маскан намоён бўлади. Шаҳарча марказида Хоразмий бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилади.

Президентимизга мазкур ҳайкал лойиҳаси тақдимот қилинди.

Ҳайкал шаҳарчада барпо этилаётган 20 гектарлик боғнинг кириш қисмида ўрнатилади. Унинг баландлиги 22 метр, пойдевори билан бирга 30 метрдан зиёд бўлади.

Мутасаддиларга монументни ҳам бунёдкорлик, ҳам маъно жиҳатидан такомиллаштириш, шаҳарчада яшилликни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қуни кеча Президентимиз Ал-Хоразмий университети ва ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш бўйича қарор имзолади. Бу университетда 3 та: математика ва информатика, аэрокосмик технологиялар муҳандислиги ҳамда сунъий интеллект факультетлари бўлади. Ўқув жараёнлари “Янги Ўзбекистон” университетининг тажрибаси асосида, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Буюк Британия каби давлатларнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилади. Қабулни 2025-2026 ўқув йилидан бошлаш режалаштирилган. Жами талабалар сони 4-6 минг атрофида бўлиши кўзда тутилган.

Шаҳарча ҳудудида Тошкентдаги Муҳаммад ал-Хоразмий мактабининг филиали ҳам ташкил этилади. Унга 4-синф битирувчилари танлаб олинади. Таълимнинг яқунловчи 2 йили муҳандисликка бошланғич тайёргарликка қаратилади.

Шунингдек, Ал-Хоразмий шаҳарчасида техно-

парк ва офислар, тиббиёт ва маданият марказлари, хиббонлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари, савдо ва маиший бинолар бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятга ташрифи доирасида Хонқа туманида барпо этилган мебелсозлик кичик саноат зонасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 июндаги мебел саноатини ривожлантиришга оид қарорига мувофиқ, салоҳияти бор туманларда шундай саноат зоналари ташкил этилмоқда.

Хонқа туманида ҳам аввалдан мебелсоз усталар кўп. Ҳозирги кунда бу йўналишда 140 дан зиёд тадбиркор, 500 дан ортиқ хонадонда кичик устахоналар бор. Шу пайтгача уларнинг кўпчилиги тор жойларда, ноқулай шароитларда ишларди.

Шу боис 10 гектар ер ажратилиб, мебел маҳсулотларини кластер усулида ишлаб чиқариш, қўرғазма ва савдо объектларини ўз ичига олган кичик саноат зонаси барпо этилди. Бу ерда 10 миллион долларлик 61 та корхона фаолият бошламоқда. 650 киши иш билан таъминланди.

Корхоналарда Германия, Италия, Швейцария, Туркия, Хитой каби давлатлардан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатирилган. Йилига 108 миллион сўмлик уй, офис, меҳмонхона, ресторан, савдо ва ижтимоий муассасалар учун мебеллар ишлаб чиқариш қуввати яратилган.

Президентимиз устахоналардаги иш жараёнини кўздан кечирди. Хоразм вилоятида қурилиш қўлами ошгани, кўплаб уй-жойлар, меҳмонхоналар, бино ва иншоотлар барпо этилаётганидан унумли фойдаланиб, корхоналар учун буюртмалар шакллантириш, янги турдаги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мебелсозлик кичик саноат зонасида дизайнер ва технололар тайёрлаш бўйича ўқув маркази ташкил қилинган. Унга Туркиядан малакали мутахассислар жалб этилган.

2025 йил 1 июлдан бошлаб барча ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими объектларини мажбурий тарзда шартнома асосида технологик аудитдан ўтказиш тартиби жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонидан.

Улар билан мулоқотда мебеллар сифатини таъминлаш, ёшларнинг бу бўйича тажрибасини ошириш ҳақида сўз ўтирилди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ташқи бозорларга ҳам йўналтирилиши кўзда тутилган. 3 миллион доллардан зиёд экспорт қилиниши мўлжалланган.

Яна бир муҳим жиҳати, саноат зонасида энергия самарадорликка эътибор қаратилган. Корхоналарнинг барчасига қуёш панеллари ўрнатирилган.

Давлатимиз раҳбари шоурумда маҳсулот намуналарини кўздан кечирди, уларнинг сифатини ва дизайнини юқори баҳолади.

Хоразм вилоятида мебел ишлаб чиқариш билан 300 дан ортиқ корхона шуғулланади. Соҳадаги яқка тартибдаги тадбиркорлар 200 дан ортиқ, 1 минг 300 дан зиёд аҳоли ўзини ўзи банд қилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Хонқа туманидаги “Собижон Юсуф” оилавий фермер хўжалиги даласида бўлиб,

Унинг раҳбари Ойимжон Отажанова 73 ёшда. Қўли гул бо аёл кўчатчилик билан шуғулланаётганига қирқ йилдан ошган. Хўжаликнинг 3 гектар майдонида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади. Яна икки гектарда эса боғдорчилик қилинади. Бундан ташқари, 12 сотих иссиқхонада 40 турдаги гул кўчатлари етиштирилади. Иссиқхона замонавий сув тежамкор технологиялар билан таъминланган бўлиб, унинг ҳар бир бўлимида кўчатларнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб зарур микроклим яратилган.

Сергайрат онахон оила аъзоларини ҳам шу ишга бошлаган. Йилига 50 минг тупдан ортиқ кўчат ўстириб, сотилади. Уларнинг йиллик даромади бир миллион сўмдан ортади.

Эътиборли жиҳати, бу ерда етиштирилаётган кўчатлар қўшни ҳудудлар, Қозоғистон ва Туркманистонга ҳам етказиб берилмоқда.

► 2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Халқаро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда инвестиция дастурларини шакллантириш бошқармаси бошлиғи Равшанбек Хабидуллаев ҳамда Ўзбекистон Қурувчилар ассоциацияси, GRT Consulting компаниясининг ҳаммуаллифи ва бош директори, Россия-Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши аъзоси Тимур Ислаев бошчилигидаги Россия делегацияси вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



жалар ва амалий ишларга оид тақдимот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда Ўзбекистон қурилиш соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлорлар, замонавий ёндашувлар ҳақида маълумот берилди. Жумладан, “Янги Тошкент” мегалойиҳаси доирасидаги режалар ва амалий ишларга оид тақдимот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожиiddин Эшқувватов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг синов лабораториясида бўлишди.

Инспекция раҳбари томонидан соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш, тизимда рақамлаштиришни такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш ва иш самардорлигини ошириш борасида масъулларга аниқ топшириқ ва тавсиялар берилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Азларжон Садиқов ва бошқа масъуллар томонидан Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси биносида сайёр қабул ўтказилди.



Юзма-юз қабул доирасида фуқаролар ва тадбиркорларнинг қурилиш ҳамда коммунал соҳа билан боғлиқ 10 дан ортиқ мурожаати қайд этилди. Бошқарув сервис компанияси иш фаолияти, умумий мол-мулкни сақлаш, шаҳарсозлик ҳужжатларини расмийлаштириш, қурилиш ишларини назорат қилиш каби ўз ечимини кутаётган бошқа масалалар бўйича мурожаатлар тингланди.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институтига 64-мавсум тингловчилари учун амалий машғулотлар давом этмоқда.

Ҳозирда институт тингловчилари “Янги Ўзбекистон” массивидаги қурилиш майдонларида амалий машғулотлар ўтамоқда. Ушбу дарсларда лойиҳа ташкилотларининг бош муҳандислари, бош архитекторлари, муаллифлик назорати вакиллари, қурилиш-пудрат ташкилотларининг ички назорат ходимлари фаол иштирок этмоқда.

“АРДА ХИВА” ХОРАЗМНИНГ ЗАМОНАВИЙ “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ” БЎЛАДИ

◀1-бет

Бог жойлашган Гулистон маҳалласида 7 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ёшлар ва хотин-қизларга ибрат бўлиб, уларни иш билан таъминлашда онахоннинг хизматлари катта. У ҳозиргача 200 дан ортиқ шогирд етиштирган, 300 нафар ишсиз фуқарони кўчатчиликка ўргатган. Маҳалладаги 70 фоиз хонадон билан касаначилик йўлга қўйилган.

Фидойи деҳдон бу йил тумандаги барча мактаб ва боғчаларга 2 минг дона қарағай кўчатини бегараз тарқатиб, “Яшил макон” лойиҳасига, юртимизи ободлигига ҳисса қўшди.

Бандлик вазирлиги ва банк билан ҳамкорликда ҳўжалиkning ёндош ҳудудида ўқув маркази очилган. Унда ҳўжалик тажрибаси асосида хонадонлардаги самарасиз томорқадан йил давомида даромад олишга ўргатилмоқда. Натижада маҳаллаларда омиликорлик кенгайиб, оилаларга қўшимча даромад кирмоқда.

Ушбу хизматлари, меҳнатсеварлиги ва ёш авлодга намуналигини инобатга олиб, Президентимиз Ойимжон Отажановани “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ ҳўжалиги ходими” унвони билан мукофотлашга қарор қилди.

Аҳоли фаоллиги ошиби, туризм жадал ривожланаётган Хоразмда транспорт хизматлари ҳам яхшиланмоқда. Шу мақсадда “Бунёд йўловчи ташиш” корхонаси томонидан қарийб 8 миллион доллар эвазига 80 та замонавий автобус олиб келинмоқда. Ҳозирга қадар шундан 50 таси келтирилган.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида аҳолига яратилаётган қулайликлар билан танишди.

“ЕВРО-5” талабларига муносиб мазкур автобусларнинг сирими 70 кишилик. Таги паст бўлгани учун ногиронлар ва кексалар учун ҳам қулай. Шунингдек, Wi-Fi ва кузатув камералари ҳам мавжуд. Бундай замонавий жамоат транспортидан кексаю ёш бирдек мамнун.

Авалли кичик автобусларнинг ҳар бири кунига 200-300 кишини ташиган бўлса, янги автобусларнинг ҳар бири минг кишига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг қатнов оралиги вақти ҳам икки баробарга қисқариб, 5-12 дақиқага тушди. Натижада Урганч шаҳрида аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланиш даражаси 38 фоизга етди.

Асосийси, бундай шароитлар транспорт етишмовчилиги ва кўчаларда тирбандликнинг олдини олиб, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига хизмат қилмоқда.

Бошқа ҳудудларни ҳам жамоат транспорти билан яхши қамраб олиш учун корхона томонидан тез кунда яна 30 та автобус олиб келиниши кўзда тутилган.

Президентимиз жамоат транспортини туманлар билан самарали боғлаб, йўналишларни қулайлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Йўлларни

таъмирлаб, ҳайдовчилар малакаси ва техник хизмат сифатини ошириш автобуслардан фойдаланиш муддатини узайтиришда муҳим омил экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда ишлаб чиқарилаётган вагонлар ва Урганч – Хива электрлаштирилган темир йўлини кўздан кечирди.

Бугунги кунда 465 километрик “Бухоро – Урганч – Хива” темир йўли электрлаштирилиб, химоя тўсиқлари ўрнатилди ва зарур иншоотлар қурилган. Бу йўналиш учун Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан юқори тезликдаги 6 та электропоезд харид қилиниб, келгуси йилдан “Жалолддин Мангуберди” номи остида Тошкент – Хива йўналишига қўйилади.

Натижада йилига 3 миллиондан ортиқ йўловчи-га хизмат кўрсатилади. Ҳозирда Тошкентдан Хивага 14 соатда етиб борадиган поезд мазкур йўналишда ҳаракатга қўйиладиган электропоезд имкониятлари тўғрйли 7 соат 40 дақиқада етиб боради.

Шунингдек, юк поездлари ўтказувчанлиги қарийб 6 миллион тоннага етади. Ҳозир бу кўрсаткич 1 миллион тонна.

Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарори асосида вагонсозлик тармоғи ҳам мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 50 миллион доллар йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш учун йўналтирилган. Жорий йил биринчи чорақда дастлабки 10 та йўловчи вағони қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари улардаги қулайликларни кўздан кечирди.

Келгуси икки йилда йўловчи вагонлари сони 70 тага қўлайтирилиб, эски турдагиларидан босқичма-босқич воз кечилади. Натижада йилига бир миллион нафардан ортиқ қўшимча йўловчини ташиш имконияти яратилади.

Президент ушбу янги поездда жамоатчилик билан бирга Урганчдан Хивага йўл олди. Йўл бўйлаб жойлардаги ободончилик, дала четларида экилган кўчатларни кузатиб борди.

Вилоятда ўтган йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 10 миллион туپ дарахт ва бутта қўчатлари экилган. Ийрик sanoat корхоналари томонидан “яшил белбоғ”лар барпо этилган.

Бу йил эрта баҳорда ҳам зироатчилик қўлани кенгайди. Вилоятдаги 1 минг 100 гектардан зиёд дала четлари ва каналлар атрофидаги майдонларга даромадли махсулотлар экилди. Уларни қафолатли харид қилишга тадбиркорлар бириктирилган. “Agroko’makshi” мобил иловаси орқали дала четлари ҳақидаги маълумотлар жамоатчиликка етказилмоқда.

Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини юзга чикариш бўйича қилинаётган ишлар катта нати-

жа бермоқда. Буни ҳудудга хорижий сайёҳларнинг ташрифи етти-саккиз йил олдинги даврга нисбатан 30 баробар кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Соҳадаги ўзгаришлар ҳисобига вилоят туризм хизматлари экспорти 2017 йилдаги 7 миллион доллардан ўтган йили 380 миллион долларга етди.

Сир эмас, илгари ҳудуд туризми ҳақида гапирилганда кўпчилик фақат Ичан қалъани ҳаёлига келтирар эди. Кейинги вақтларда бу борадаги қарашлар бутунлай ўзгарди. Сайёҳлар учун қирқдан ортиқ туристик йўналишлар ишлаб чиқилди ва уларнинг умумий сони юзтага етди.

Энди бу ерда яна бир ноёб мажмуа – “Арда Хива” бор. Унинг очилиши Хоразм вилоятига Президент ташрифининг муҳим воқеаси бўлди.

Мажмуа қадим кент ичра яна бир бетакрор шаҳарни эслатади. Мазкур маскан ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган меъморий ечим билан ноёб лойиҳа саналади.

“Арда Хива” ҳудуддаги 25 гектарлик паст унумли, шўрхок майдонда қурилди. Унинг бир томони 150 гектарлик Ғовук қўлга туташиб кетгани, бу майдонларда эса яшил ҳудудлар ташкил этилаётгани лойиҳани сайёҳлар учун янада жозибадор кўрсатишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуа бўйлаб юриб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Ҳўнамандчилик, бадийи ва амалий санъат кўргазмалари ҳамда бозор расталарини томоша қилди.

Бу ерда сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган. Хусусан, қадимий шаҳар муҳитини акс эттирувчи бинолар, жами минг ўринли 20 та меҳмонхона қурилди. Очйқ-ёпиқ аквепарк ва аттракционлар, уч минг ўринли амфитеатр ва мусикали фаввора барпо этилди.

Шунингдек, тарихий қиёфадаги 11 та ҳўнаманд уйи, шарқона бозор, “Қўҳна Урганч” музейи меҳмонлар учун қўйқарили бўлади. Икки километрик каналда қайиқда сайр қилиш имконияти яна бир ўзига хос янгилик.

Бешта кинотеатр ва концерт зали, қўплаб ресторанлар, заргарлик маркази, савдо дўконлари ва расталари, сув мото-туризми жойи ҳамда автотураргоҳ замонавий талабларга мос тарзда қурилган. Ҳудуддаги барча иншоотлар учун ягона совитиш ва истишғи тизими барпо этилган. Электр энергияси таъминоти учун қуёш панеллари ўрнатилган.

Мажмуа йилига уч миллион нафар ташриф буюрувчини қабул қилиш имкониятига эга. Бу ерда икки мингдан зиёд киши иш билан таъминланади.

“Ичан қалъа” тарихий бўлса, “Арда Хива” Хоразмнинг замонавий “ташриф қоғози” бўлади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда хоразмлик ёшлар билан самимий мулоқот қилди.

– Ҳар қандай заҳира, ерости бойликлари қачонлардир тугайди. Лекин боболаримиз бизга шундай буюк маънавий мерос, улғувор обидалар қолдир-

ганки, улар асрлар давомида халққа хизмат қилиб келаяпти. Биз мана шу бойлиқдан элимиз манфаати йўлида фойдаланишимиз керак. Анча ишлар қилинди, лекин ҳали режалар ҳам кўп. Мен бу йўлда сиз, ёшларга ишонаман. Сизлар баланд чўққиларни кўзлаб, шунга яраша билим олсангиз, замонавий касбларнинг устаси бўлсангиз, юксак мақсадларимизга, албатта, эришамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ёшларнинг ўқишдаги муваффақиятлари, орзу-интилишлари ҳақида фикр алмашилди.

Хива шаҳрида “Арда Хива” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев маросимдаги нуткида вилоятнинг буюк ўтмиши ва бугунги туризм салоҳияти ҳақида сўзлади.

– Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ гавҳаридир. Бу қўҳна юрт жаҳонга донғи кетган не-не олимۇ фозиллар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакрор шоир ва ҳофизлар ватанидир, – дея таъкидлади давлат раҳбари.

Бу ердаги муҳташам тарихий обидалар бебаҳо бойлик экани қайд этилди. Очйқ осмон остидаги шаҳар-музей – “Ичан қалъа” мажмуаси умумбашарият хазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Вилоятда 260 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд. Улар ўзининг ноёб ва ғўзал меъморий қиёфаси билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг жаҳон раванқидаги бетакрор ўрнини белгилаб берадиган тирик тарихдир.

Бугунги кунда бунга асосланиб, туризмни ривожлантиришга алоҳида стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектлари асраб-авайланиб, глобал туризм тармоғига фаол жалб қилинмоқда.

Шу билан бирга, ўзида тарих ва замонавийликни мужассам этган йирик туристик мажмуалар ҳам барпо қилинаётир. “Арда Хива” шундай улкан режаларнинг яна бир амалий натижасидир. Ушбу муҳташам халқаро туристик масканда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, очйқ ва ёпиқ аквепарклар, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўргазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та ҳўнамандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фавворалар, соҳил бўйи йўлагй бор.

Бундай ишлар ҳисобидан вилоятга туристлар оқими қўшимча равишда 1 миллион нафарга ошади, хизматлар 1,2 триллион сўмга қўпади, камида 2 мингта иш ўрни яратилади.

– Ишончмн қомил, “Арда Хива” Хоразмдаги туризм ривожидида янги саҳифа очади, вилоятнинг иккинчи “ташриф қоғози”га айланади. Ушбу бетакрор маскан Хоразмга, бутун халқимизга муборақ бўлсин, – деди Президентимиз.

Яна бир янгилик – энди Хива туманидан 2 минг 400 гектар ер Хива шаҳрига ўтказилиб, у жойида

“Сахро юлдузи” туристик мажмуаси бунёд этилади. Унда меҳмонхоналар, қўнгилочар марказлар, гас-трономик ва савдо кўчалари, музейлар, экоуйлар, ёзги лагерь, экстремал туризм жойлари бўлади.

Шунингдек, Тупроққалъада чўл ҳудудидаги 5 минг гектар ерда сафари ва ов туризми ривожлан-тирилади. Урганч шаҳри, Шовот, Қўшқўпир, Хива ва Ҳазораспдан оқиб ўтадиган Ғазовот, Полвон, Шовот каналлари бўйларида 50 миллион долларлик 80 та хизмат кўрсатиш, савдо-қўнгилочар объектлари ишга туширилади. Богот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманида туризм қишлоқлари ташкил этилади.

Маъмун академияси биноси олдидаги 2 гектар боғ “Буюк алломалар” номли очйқ осмон остидаги “смарт” музейга айлантирилади. Шу асосда Хоразм юртида камол топган ўнлаб мумотоз аждоқларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси интерактив усулда бир нечта хорижий тилларда сайёҳларга тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари Амударёнинг икки соҳилида жойлашган Хоразм ва Қорақалпоғистон элини Ҳудои таолонинг ўзи тақдирдош қилиб яратганини таъкидлади. Шу боис Хоразмда туризмни ривожлантириш Қорақалпоғистон билан ҳамоханг равишда, яғона концепция асосида амалга оширилади. Бунинг учун “Хоразм – Қорақалпоғистон” туризм халқаси лойиҳаси ишлаб чиқилади. “Урганч – Гурлан – Манғит” автомобиль йўли тўлиқ реконструкция қилинади.

Сўнгги йилларда Хива шаҳрига темир йўл тортилиб, янги вокзал қурилди, “Бухоро – Урганч – Хива” темир йўли тўлиқ электрлаштирилди. 2026 йилда ушбу йўналиш бўйлаб Жалолддин Мангуберди номи билан аталадиган замонавий тезорар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Яқин келажақда бу тезорар поездлар Нукусгача боради.

Президентимиз маросимда қатнашаётган хорижлик меҳмонларни ҳам қўтлаб, ҳамкор элларга ҳурмат ва эзгу тилакларини билдирди.

– Бугун дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, Ўзбекистон ўз йўлидан дадил бормоқда. Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, дўстлик ва ҳамкорлик, бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда. Бизнинг ҳар бир мақсад-режамиз, ҳар бир ислохотимиз одамларимиз ҳаётини яхшилашга, уларни рози қилишга қаратилган ва бу ишларимиз, иншооллоҳ, бардавом бўлғай. Амминманки, сиз, азияллар билан филокорона меҳнат қилиб, Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг дунёдаги энг ғўзал ва обод, илим-фан ва инновациялар, маданият ва санъат янада ривожланган заминга айлантирамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маросим катта концерт намоийиши билан якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
Ўза Махсус муҳбирлари.

Биздан тоза ва озода манзиллар қолсин!



Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги табиат бағрида жойлашган дам олиш манзилларидан бири – Қизилтоғ, Красногорск номи билан ном таратган ҳудудда Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ҳамда “Эколог” жамоат бирлашмаси, “Mironshoh Rahnamo Servis” ва “Zero waste” МЧЖлар ҳамкорлигида плоггинг эко-акцияси ташкил этилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ушбу эзгу ташаббус доирасида 50 дан ортиқ кўнгилли экофаол ёшлар ва агентлик ходимлари бирлашиб, “Чикиндиларсиз дунё учун” шiori остида плоггингда иштирок этишди. Акция давомида иштирокчилар кенг яйлов, адирлар



бўйлаб ён-атрофни турли чикинди-лардан тозалашга ўз хиссасини қў-шишди.

Акция якунида 7 куб метр микдо-ридаги чикинди йиғилди.

Таъкидлаш жоизки, бу каби та-шаббуслар нафақат экологик тоза-ликни таъминлаш, балки ёш авлодда атроф-муҳитга бўлган масъ-улият хисси ҳамда ўзаро ўр-нак шаклланишига хизмат қилди. Қолаверса, кенг жа-моатчилик ҳам табиат қўйни-да дам олганда, ортларидан чикиндиларни белгиланма-ган жойларга қолдириб кет-маслиги, уларни фақат махсус идишларга ташлаш орқали нафақат оила аъзолари ва фарзандларига, қолаверса, атрофдагиларга ҳам бу борада тўғри ўрнак бўлиши лозим.

Зеро, келажак авлодга биз-дан тоза ва озода манзиллар қолсин!

Ўз мухбиримиз.

Бухоро ва Омск – иқтисодий ўсиш кафолати

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Россия Федерациясининг Омск вилояти губернатори Виталий Хоценко бошчилигидаги делегация Бухоро вилоятига расмий ташриф буюрди.

Икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган ушбу ташриф доирасида Бухоро вилоят-и ҳокими Ботир Зарипов ва делегация аъзолари ўртасида учрашув ташкил этилди. Музокаралар жараёнида таъ-лим, туризм, sanoat, кишлоқ ҳўжалиги, аҳоли бандлиги ва бошқа соҳалардаги истиқболли ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди.

Учрашувда қайд этилганидек, сўнг-ги беш йилда Бухоро вилояти ва Россия Федерацияси субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар мустаҳкам пой-деворга эга бўлди. Хусусан, 2024 йил

яқунларига кўра, икки ҳудуд ўртасида-ги ўзаро савдо айланмаси 380 миллион АҚШ долларига етган бўлиб, шундан 92 миллион АҚШ доллари экспорт, 288 миллион АҚШ доллари эса импорт ҳаж-мини ташкил этган. Жорий йилнинг илк уч ойи натижаларига кўра, бу кўрс-аткич 134 миллион АҚШ долларидан иборат. Бунда 25 миллион АҚШ дол-ларилик товар экспорт қилинган бўлса, 109 миллион АҚШ долларилик махсу-лотлар импорт қилинган. Ҳудудлар ўр-тасидаги ҳамкорликни янада кенгайти-риш орқали бу кўрсаткични 1 миллиард АҚШ долларига, 2030 йилгача эса бун-

дан ҳам юқори натижаларга етказиш режалаштирилган.

– Албатта, бу қийин, аммо шунга қа-рамай, амалга ошириш мумкин, – деди учрашувда Ботир Зарипов. – Ишонамиз-ки, келгусида россиялик ҳамкорларимиз билан биргаликда sanoat кооперацияси-ни кенгайтириш ва бутун sanoatни ри-вожлантириш, шунингдек, товар айир-бошлаш ҳажмини ошириш ва Россия компаниялари иштирокида янги қўшма корхоналар яратишга эришамиз. Ушбу ташаббус доирасида Бухорога келган омсклик тадбиркорларга вилоятнинг иқтисодий имкониятлари, эркин иқти-содий зоналардаги шарт-шароитлар, инвесторларга берилаётган имтиёзлар батафсил таништирилди. Ташриф дои-расида тақдим этилган видеоролик орқали Бухоро вилоятининг мавжуд са-лоҳияти, инвестицион муҳити, экспорт-боп махсулотлари, туристик жозибаси ва

ҳамкорлик учун очйқ лойиҳалари ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Виталий Хоценко ўз чиқишида Ўзбе-кистонни Марказий Осиёдаги асосий ва ишончли шериклардан бири сифатида таърифлаб, ҳамкорлик нафақат тўқима-чилик ва озиқ-овқат махсулотлари сав-доси, балки кимё, ёғоч, sanoat, туризм, таълим ва бошқа соҳаларни қамраб ола-ётганини қайд этиб, шундай деди:

– Ўзбекистон Марказий Осиё де-латлари орасида минтақамизнинг асо-сий ҳамкорларидан биридир. Омсклик тадбиркорлар Ўзбекистонда тўқима-чи-лик ва озиқ-овқат махсулотлари харид қилиб, кимё махсулотлари ва ёғоч ет-казиб бермоқда. Ҳамкорлик бу билан чекланмайди, деярли барча соҳаларни қамраб олади. Ишонаманки, учрашувим-из Омск ва Бухоро вилоятлари ўртаси-даги ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўли-да навбатдаги қадам бўлади.



тарзига қайтариш, жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилашда муҳим омил бў-либ хизмат қилмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати ИК” давлат унитар корхонаси буюртмаси асосида, қури-лиш соҳасида катта тажрибага эга бўл-ган “Оқдарё қурувчи савдо” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди. Лойиҳа ҳужжатларига кўра, объектни реконструкция қилиш ва янги бино қурилишига жами 13 милли-ард 216 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ушбу рақамлар нафақат молиявий кўрсаткич, балки давлати-мизнинг фуқаролар саломатлигига,

уларнинг ҳаёт сифатини оширишга қа-ратилган эътибобининг дили-лидир.

Мазкур замонавий муассаса ўз фао-лиятини бошлагач, юзлаб юртдошлари-миз учун нафақат тиббий хизмат, бал-ки инсоний муносабат, руҳий далда ва жамиятда ўз ўрнини топиш имконини берувчи масканга айланди. Бу ерда ҳар бир беморга дори-дармон билан бир-га меҳр, эътибор ва самимий инсоний муносабат кўрсатилади. Реабилитация ва протезлаш хизматлари, психологик ёрдам, ижтимоий мослашувга қўмакла-шиш – буларнинг барчаси замонавий, халқаро стандартларга мос тарзда йўлга қўйилган.



МЕДИА ГИГИЕНА

фуқароларнинг рақамли дунёдаги ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланганми?

Аббосжон ЖўРАЕВ, ИИВ Тезкор-кидирув департаменти Киберхавфсизлик маркази масъул ходими.

Бугун уйқудан уйғонишимиз билан ижтимоий тармоқ ва мессенжерларга киришга ошиқамиз, ҳаётимизни реал вақт режимидаги янгиликлар ва постларсиз тасаввур этолмаймиз. Онлайн-платформалар ёрдамида нафақат мулоқот қилиш, тезкор хабарлардан баҳраманд бўлиш, балки таълим, тижорат, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда кенг фойдаланиш имконияти бор.

Шу маънода ҳозир блогерлар, инфлюенсерлар, ижтимоий тармоқлардаги турил гуруҳ ва канал эгалари ахборот тарқатиш, фикр билдириш, жамоатчиликка таъсир ўтказиш борасида мамлакатимиз медиа маконида фаоллик кўрсатмоқда. Бироқ рақамли муҳитда уларнинг эркинлиги, ҳуқуқлари қай даражада? Шу нуктаи назардан, ўз ечимини кутаётган айрим муаммоларга тўхталсак.

Масалан, **фойдаланувчиларнинг имкониятлари чеклангани**. Баъзи платформалар фойдаланувчиларга аккаунт ёки гуруҳ/канал очиш имкониятини чеклаши мумкин. Айрим давлатларда ижтимоий тармоқларнинг рўйхатдан ўтиш ёки фойдаланиш қоидалари мураккаблаштирилгани сабабли фуқаролар эркин фаолият олиб бора олмайдди.

Платформалар қоидалари ҳақида нотўлиқ маълумот бериш. Аксарият ҳолларда платфор-

ма қоидалари нотўғри ёки ноаниқ баён қилинади, бу эса фойдаланувчиларга нисбатан номувофиқ шарт-шароитлар яратиб, уларни ҳимоясиз қолдиради.

Контент модерацияси ва тижорий чекловлар. Айрим платформалар ижодий ёки тижорий фаолият олиб бораётган фойдаланувчиларнинг даромад топиш имкониятларини чеклайди. Контент тарқатиш алгоритмлари баъзи фойдаланувчиларга “лайк” босилган контентни кўпроқ кўрсатади, бошқа контентларни эса эътиборсиз қолдиради.

Фойдаланувчининг ўзига мос келмайдиган контентдан ҳимояланишда қийналиши. Контент филтрлаш механизмлари самарасиз ёки ноаниқ ишлаши мумкин, бу эса фойдаланувчиларни қизиқтирмайдиган контентдан ҳимоя қилишни мураккаблаштиради. Бунда, энг ёмони, болалар ва ёшлар учун зарарли контентга осон кириш имконияти пайдо бўлади.

Юқоридаги муаммолар фойдаланувчилар, блогерлар, инфлюенсерлар ва ижтимоий тармоқлардаги ресурслар эгалари учун аниқ ҳуқуқлар, қафолатлар зарурлигини кўрсатади.
Хусусан:

- аккаунт, гуруҳ, канал очиш ҳамда онлайн-платформадан фойдаланиш қоидалари ва шартлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумот олиш;
- қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай усулда контент тайёрлаш, олиш, жойлаштириш, тарқатиш;
- фикрни эркин ифода этиш ҳамда ўз ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;

- онлайн-платформа мулкдори ёки тармоқ модераторига талаб (эътироз) билан мурожаат қилиш;

- ижодий, тижорат ва бошқа қонуний фаолиятдан даромад олиш;

- агар ўз қизиқишлари ва қарашларига зид келса, онлайн-платформалар томонидан таклиф этиладиган махсулотларни рад этиш;

- онлайн-платформада ноҳуш ёки қизиқтирмайдиган контент намоиш этилишини чеклаш;

- шахсий аккаунти, блоги ёки ресурсига асоссиз чеклов қўйилган ҳолда, сабабларини билиш.

Бу ҳуқуқлар фақатгина эркинликни таъминлаш учун эмас, балки интернет муҳитида шаф-фоплик, адолат ва хавфсизликни қучайтириш мақсадида ҳам талаб этилади.

Дарҳақиқат, хавфсизлик. Энди масаланинг шу томонига эътибор қаратсак. Тўғри, ижтимоий тармоқлар маълумот алмашиш ва воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишда муҳим восита, дедик. Бироқ улар орқали нафақат фойдали маълумотлар, балки зарарли ва қонунга зид ахборотлар ҳам кенг тарқатилаяётгани охириги пайтлар жид-дий хавотирларга сабаб бўлмоқда.

Жумладан, ёлгон хабарларнинг кўплиги, маълумотлар тўғрилиги ёки ҳаққонийлигини аниқлашнинг қийинлиги, ахборот спекуляцияси мавжудлиги, одамларнинг ўзаро мулоқоти давомида баъзан этика нормаларининг кўпол равишда бузилиши, ўйламасдан қилинган айрим ҳаракатларнинг орқага қайтариб бўлмаслиги, қолдирилган баъзи ноўрин постларнинг ўчи-риб бўлмаслиги, ёмон қучларнинг интернетдан тарғибот майдони сифатида фойдаланишлари,

шахсий маълумотларнинг ўғирланиши ва бошқа техник таҳдидларнинг мавжудлиги.

Шу сабабли фуқаролар, айниқса, блогерлар, инфлюенсерлар ва ижтимоий тармоқлардаги гуруҳ ва канал эгаларининг ҳуқуқлари билан бир қаторда, мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаш муҳим. Бу ҳозирги рақамли маконда одамлар учун хавфсиз ва соғлом муҳитни шакл-лантириш учун зарур. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги мажбуриятлар аниқ белгилаб қўйили-ши лозим:

- қонунлар доирасида фаолият юритиш;
- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаън ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш – интернетдаги мулоқот ва контент яратиш жараёнида шахсларнинг ҳуқуқларини камситишга, шунингдек, таҳқирлаш, тўхмат, шахсий маълумотларни тарқатиш, кибербулинг каби ҳолатларга йўл қўймаслик;
- ноқонуний (жиноий, экстремистик, зўравонликка қорловчи, дезинформация ва порнографик) контентни жойлаштирмаслик ва тарқатмаслик;
- ноқонуний контент жойлаштирилган, тарқатилган ҳолларда, уни ўчириш. Бу нафақат ҳуқуқий талаб сифатида, балки ахлоқий масъулият нуктаи назаридан ҳам муҳимдир.

Онлайн маконда эркинлик ва масъулият ўр-тасидаги мувозанатни сақлаш жамятда инфор-мациявий ва маънавий гигиенани таъминлайди. Шу боис ҳам соҳага оид қонунчиликни такомил-лаштириш муҳим бўлиб, бу интернетдан хавф-сиз, шаффоф фойдаланиш имконини яратади.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD SVETLANA-KREDIT” МЧЖнинг 2025 йил 30 апрелдаги 31-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2025 йил 13 март, 9 апрелдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2, 41-уй манзилида сакланаётган қуйдаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	4772	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 1,70 гр., ч/в 1,60 гр.; серъги с бел. и желт. кам., пр. 585, о/в 1,78 гр., ч/в 1,48 гр.; серъги, пр. 585, о/в 2,54 гр., ч/в 2,54 гр.	4 193 568,04
2.	5192	Кольцо кам. нет, пр. 585, о/в 0,89 гр., ч/в 0,89 гр.	736 630,86
3.	5408	Цепь, пр. 585, о/в 10,88 гр., ч/в 10,88 гр.; цепь, пр. 585, о/в 7,10 гр., ч/в 7,10 гр.; цепь, пр. 585, о/в 5,61 гр., ч/в 5,61 гр.; кольцо обрuch., пр. 585, о/в 5,12 гр., ч/в 5,12 гр.; кольцо, кор. кам., пр. 585, о/в 3,39 гр., ч/в 2,83 гр.	23 971 254,30
4.	5609	Серъги кр. кам., пр. 585, о/в 3,49 гр., ч/в 1,99 гр.	1 623 051,72
5.	5658	Брошь, пр. 585, о/в 1,89 гр., ч/в 1,89 гр.; цепь штамп. погн., пр. 585, о/в 5,46 гр., ч/в 5,46 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 2,03 гр., ч/в 2,03 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 4,99 гр., ч/в 4,42 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 3,68 гр., ч/в 3,60 гр.; серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 4,64 гр., ч/в 4,34 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 3,16 гр., ч/в 3,01 гр.	19 110 056,88
6.	5695	Серъги, пр. 585, о/в 3,50 гр., ч/в 3,50 гр.; серъги с бел. кам., 2 кам. отс., пр. 585, о/в 3,58 гр., ч/в 3,18 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 1,28 гр., ч/в 1,28 гр.	5 987 699,30
7.	5786	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 4,53 гр., ч/в 3,93 гр.	3 228 951,72
8.	5850	Кулон, пр. 585, о/в 2,13 гр., ч/в 2,13 гр.; цепь, пр. 585, о/в 5,97 гр., ч/в 5,97 гр.; серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 2,62 гр., ч/в 2,50 гр.; кольцо с бел. кам., 1-го кам. нет, грязн., пр. 585, о/в 4,58 гр., ч/в 4,41 гр.; кольцо с бел. и зел. кам., пр. 585, о/в 5,05 гр., ч/в 4,98 гр.; браслет, пр. 585, о/в 5,27 гр., ч/в 5,27 гр.	17 992 144,02
9.	5881	Браслет, пр. 585, о/в 4,78 гр., ч/в 4,78 гр.	3 960 550,86
10.	6031	Кольцо с зел. кам. и брилл. 1,00 мм – 9 шт., пр. 585, о/в 5,07 гр., ч/в 4,07 гр.	3 324 250,86
11.	6109	Кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,47 гр., ч/в 2,27 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,78 гр., ч/в 1,68 гр.	3 547 101,72
12.	6133	Кольцо с бел. и зел. кам. погн. паян, пр. 585, о/в 3,39 гр., ч/в 3,26 гр.; кольцо с бел. и сирен. кам. погн., паян. в 2-х мест., пр. 585, о/в 2,30 гр., ч/в 2,04 гр.; кольцо с бел. кам., 2-х кам. нет, пр. 585, о/в 1,65 гр., ч/в 1,30 гр.; серъги бел. кам. и мусор, пр. 585, о/в 3,68 гр., ч/в 3,28 гр.; цепь, пр. 585, о/в 4,08 гр., ч/в 4,08 гр.; браслет, пр. 585, о/в 8,32 гр., ч/в 8,32 гр.; кулон с роз. кам., пр. 585, о/в 1,79 гр., ч/в 1,75 гр.	21 564 356,88
13.	6167	Кольцо, пр. 585, о/в 3,64 гр., ч/в 3,64 гр.	3 026 523,06
14.	6173	Кольцо погн., пр. 585, о/в 3,01 гр., ч/в 3,01 гр.	1 793 430,22

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
15.	6199	Кольцо с кр. кам. погн., пр. 585, о/в 1,68 гр., ч/в 1,28 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,22 гр., ч/в 1,70 гр.	2 759 301,72
16.	6356	Серъги, пр. 585, о/в 1,35 гр., ч/в 1,35 гр.	1 320 051,72
17.	6387	Серъги с бел. кам., 1 кам. отс., пр. 585, о/в 2,81 гр., ч/в 2,41 гр.; кольцо с бел. кам., 2-х кам. отс., пр. 585, о/в 1,11 гр., ч/в 1,01 гр.	3 163 952,58
18.	6409	Кольцо бел. кам., 2-х кам. нет, погн., пр. 585, о/в 4,11 гр., ч/в 3,71 гр.	3 049 641,96
19.	6415	Цепь зв. деф., пр. 585, о/в 2,89 гр., ч/в 2,89 гр.; серъги с кор. кам. уш. погн., пр. 585, о/в 4,42 гр., ч/в 3,22 гр.; серъги, 1 сер. слом., пр. 585, о/в 2,00 гр., ч/в 2,00 гр.; серъги с роз. кам., пр. 585, о/в 1,04 гр., ч/в 0,98 гр.; кольцо с кор. кам. погн., пр. 585, о/в 2,74 гр., ч/в 2,14 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,45 гр., ч/в 2,30 гр.; кольцо паян., пр. 585, о/в 2,89 гр., ч/в 2,89 гр.	14 859 258,54
20.	6617	Кулон с гол. кам. и брилл. 1,00 мм. – 12 шт., пр. 585, о/в 1,29 гр., ч/в 1,09 гр.	1 051 750,86
21.	6677	Кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 1,73 гр., ч/в 1,63 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,87 гр., ч/в 2,57 гр.	4 001 601,72
22.	6704	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 5,02 гр., ч/в 4,72 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 4,65 гр., ч/в 4,55 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,18 гр., ч/в 1,08 гр.	9 704 353,44
23.	6764	Кольцо, пр. 585, о/в 3,98 гр., ч/в 3,98 гр.	3 763 600,86
24.	6907	Серъги, пр. 585, о/в 3,06 гр., ч/в 3,06 гр.	2 529 021,72
25.	6917	Серъги, пр. 585, о/в 3,65 гр., ч/в 3,65 гр.	3 441 051,72
26.	6935	Перстень с бел. и черн. кам., пр. 585, о/в 6,24 гр., ч/в 4,74 гр.	4 384 750,86
27.	7025	Браслет с нитк. и золот. фраг, пр. 585, о/в 3,02 гр., ч/в 2,30 гр.; кулон крестик, пр. 585, о/в 3,51 гр., ч/в 3,51 гр.	5 107 551,72
28.	7026	Кольцо, пр. 585, о/в 5,18 гр., ч/в 5,18 гр.	3 869 650,86
29.	7101	Серъга 1 шт. с кр. кам., пр. 585, о/в 3,93 гр., ч/в 2,63 гр.	2 506 150,86
30.	7142	Цепь, пр. 585, о/в 5,00 гр., ч/в 5,00 гр.; перстень с бел. кам., пр. 585, о/в 5,07 гр., ч/в 5,03 гр.	9 198 051,72
31.	7149	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 4,01 гр., ч/в 2,81 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,05 гр., ч/в 1,45 гр.; кольцо с бел. кам., 1-го кам. нет, пр. 585, о/в 2,35 гр., ч/в 2,23 гр.	6 068 353,44
32.	7186	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 1,96 гр., ч/в 1,62 гр.	1 471 551,72
33.	6405	Серъги с бел. кам., пр. 585, 2,44 гр., ч/в 2,34 гр.; Кольцо с син. кам., 1-го кам. нет, пр. 585, про/в 3,51 гр., ч/в 2,91 гр.	3 836 612,58

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
34.	6633	Браслет с деф., пр. 585, о/в 2,97 гр., ч/в 2,97 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,67 гр., ч/в 1,37 гр.	2 632 041,72
35.	6699	Кольцо погн., пр. 585, о/в 2,42 гр., ч/в 2,42 гр.	1 484 030,86
36.	6735	Кольцо с бел. кам. погн. паян., пр. 585, о/в 2,66 гр., ч/в 2,00 гр.	1 319 400,86
37.	6906	Кольцо с бел. кам. погн. пр. 585, о/в 1,52 гр., ч/в 1,40 гр.	1 099 220,86
38.	7002	Кольцо с бел. кам. пр. 585, о/в 1,23 гр., ч/в 0,93 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 1,39 гр., ч/в 1,39 гр.	2 087 550,72
39.	7031	Цепь штамп., пр. 585, о/в 9,76 гр., ч/в 9,76 гр.; браслет погн. штамп., пр. 585, о/в 3,47 гр., ч/в 3,47 гр.	10 122 201,72
40.	7334	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 3,80 гр., ч/в 2,80 гр.	2 698 701,72
41.	7418	Цепь погн., пр. 585, о/в 9,83 гр.,ч/в 9,83 гр.	9 172 150,86
42.	7545	Цепь соед. кол. слом., пр. 585, о/в 2,86 гр., ч/в 2,86 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,42 гр., ч/в 2,27 гр.; кольцо обрuch., пр. 585, о/в 1,44 гр., ч/в 1,44 гр.	5 966 702,58
43.	7716	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 3,00 гр., ч/в 2,70 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,68 гр., ч/в 2,63 гр.	4 845 602,58
44.	7807	Серъги гол. кам., пр. 585, о/в 3,72 гр., ч/в 3,52 гр.	3 228 951,72
45.	7813	Цепь, пр. 585, о/в 2,46 гр., ч/в 2,46 гр.; кулон, пр. 585, о/в 0,72 гр., ч/в 0,72 гр.	3 032 001,72
46.	7858	Серъги с брилл. 1,50 мм – 20 шт., 1,00 мм – 90 шт., пр. 585, пр. о/в 8,14 гр., ч/в 8,14 гр.; кольцо с биркой и брилл. 1,50 мм – 18 шт., 1,00 мм – 26 шт., пр. 585, о/в 4,78 гр., ч/в 4,64 гр.	11 860 052,58
Жами бошланғич баҳоси			259 694 441,54

Аукцион савдолар 2025 йил 4 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказила-ди. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2025 йил 2 июнь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2024 йил 4 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 18 июнь ва 2 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтка-зилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш куни аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдор-да закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлар-и шарт: 2020 8000 00005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тош-кент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А”-уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли ғувоҳнома.

ИНТЕРНЕТДА ҚИМОР ВА ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН ҲОЛАТЛАР буни тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар

Дилноза ҚУРБОНОВА,
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги масъул ходими.

- Эшитдингизми, қўшнимизнинг 15 яшар ўғли ўзини осиб қўйибди?
- Вой йўқ, нега осади ўзини?
- Соппа-соғлом бола эди-я, Интернетда қимор ўйнаб, 3 миллион сўм қарз бўлиб қолганига шунақа қипти...
- Вой бечора ёш кетигбтида, аввалроқ қўшни маҳалладаги 40 ёшли эркак ҳам қимор ўйнаб, қарзга ботгани учун жонига қасд қилган эди, 3 нафар боласи етим қолиб кетди.
- Ҳа, бир ёш келин эса Интернетдаги шунақа ўйинларга қизиқиб, эрининг пластигидаги 30 миллион сўм пулни сарфлаб, турмуши бузилиб кетган эди...

Сўнгги вақтларда шунга ўхшаш ҳабарлар қулоғимизга тез-тез чалиняпти ёхуд ана шундай янгиликларни ижтимоий тармоқларда бот-бот ўқиб турибмиз. Энг ёмони, Интернет тармоқларида деярли ҳар бир иловата реклама қилинаётган тотализатор ёки букмекерлик ўйинлари қурбонларининг ёш кўрсаткичи борган сари ёшариб бормоқда.

Ўзбекистонда жорий йил 1 январдан эътиборан букмекерлик фаолияти қонунийлаштирилди. Қонунга мувофиқ, мамлакатимизда бундай фаолият ва пул тикиладиган онлайн ўйинлар рекламаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан тартибга солинади. Бундан ташқари, “Реклама тўғрисида”-

ги қонуннинг 46-моддасига кўра, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни реклама қилишга, шу жумладан, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилишга йўл қўйилмайди.

Шунга қарамай, осон пул топишга ундайдиган турли пулли ўйин рекламалари кўплаб инсонлар умрининг хазон бўлишига, фойда эмас, аксинча моддий-маънавий зарар қўришига, соғлигига путур етишига, қарамлик ва но-соғлом турмуш муҳити юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Ачинарли жиҳатлардан бири, мактаб ёшидаги болаларнинг ҳам би-

либ-билмай, тўлиқ англамаган ҳолда мобил қурилмалардаги пул тикиладиган ўйинларга ўрганиб қолиши, оқибатда ўзи сезмаган ҳолда ўғирлик қилиши, натижада жиноят оламига қадам ташлашига олиб келади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Ҳисоб-китобларга кўра, 2027 йилга бориб мобил қурилмалар учун глобал ўйин бозорининг умумий ҳажми 250 миллиард доллардан ошади. Ушга пайтга келиб бозорнинг асосий улуғлини қимор ўйинлари соҳасида хизмат кўрсатувчи 38 та компания эгаллайди.

Қимор ўйинларининг зарарли оқибатлари нуктаи назаридан энг хавфли вариантлари – электрон ўйин қурилмалари, мобил ўйинлар ҳамда казино ўйинларидир. Улар анъанавий ўйин муассасалари негизига ҳам, онлайн маконда ҳам ташкил этилиши мумкин. Онлайн қимор ўйинлари, ўз навбатида, деярли ҳар қандай жойда ва исталган вақтда, ҳатто қимор ўйинлари тақиқланган мамлакатларда ҳам мавжуд.

Статистик ўрганишларига кўра, дунё бўйлаб аёлларнинг тахминан 5,5 фоизи ва эркакларнинг 11,9 фоизи қимор ўйинларидан зарар кўради. Швецияда ўтқа-

зилган тадқиқот натижаларига кўра, қимор ўйинларига қарамлик билан боғлиқ касалликка чалинган одамлар ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли 15 баравар юқори. Австралининг Викториа штатида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг камида 4,2 фоизи қимор ўйинлари билан боғлиқлиги аниқланган.

Мамлакатимизда 2024-2025 йиллар мобайнида қимор ўйинларини ташкил этиш ва тарғиб қилиш бўйича 4 302 та веб-ресурснинг идентификация маълумотлари. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 707-сон қарорига асосан тақиқланган ахборот мавжуд бўлган бутунжаҳон Интернет тармоғи ахборот ресурслари реестрига киритилди. Хусусан, 2024 йилда 3 218 та, 2025 йилда 1084 та.

Бироқ шунинг унутмаслик керак: қимор ўйинлари, туридан қатъи назар, соғлиқ учун оғир оқибатларга, масалан, моливий йўқотишлар, муносабатларнинг бузилиши, оиладаги ўзравонлик, руҳий касалликлар ва ўз жонига қасд қилишга олиб келиши мумкин. Қимор туфайли етказилган зарар инсоннинг ва ҳатто унинг фарзандлари ва кейинги авлодларининг келажагини издан чиқариши мумкин.

Интернетда қимор ўйинлари фаолиятини тақиқлаш етарлича бўшлиқ-

ларга эга десак, хато бўлмайди. Турли онлайн ўйинларга нисбатан қўлланилган чеклаш воситаларини осонгина четлаб ўтиб, Интернетда реклама қилиш кенг тарқалган. Натижада Интернетда қимор ўйинларини тақиқлаш тўғрисидаги қонуннинг амалда қўлланиши қийинлашмоқда.

Қимор ўйинларининг салбий оқибатларининг олдини олиш учун аҳолининг барча гуруҳлари саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган умумий тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Бунинг учун амалдаги қонунчиликка кўмак ёки тиргак бўлувчи, уни тўлдирувчи норматив-ҳужжат ишлаб чиқиш ва жорий қилиш зарурати юзага чиқади.

Интернетда қимор ўйинлари бозорларининг кенгайиши мос равишда улар келтирадиган зарарнинг кўпайишига олиб келади, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини хавф остига қўяди. Глобал миқёсда қатта ёшлар аҳолининг 1,2 фоизи Интернетда қимор ўйинларига қарамлик туфайли руҳий бузилишдан азият чекади. Сўнгги йилларда қарамлик ёшлар ва ўсимирлар орасида ҳам оммалашаётгани муаммонинг нақадар долзарблигини акс эттиради. Хусусан, мактаб ёшидаги болаларнинг мобил қурилмалардаги турли ўйинлар қурбонига айланмаслиги, бу борада профилактик чораларни қучайтириш зарурати жиддий мулоҳазаларга қорлайди.

МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ

асл ҳолида сақлаш долзарб масала



Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Илмий-эксперт кенгаши фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сон ҳамда 2021 йил 3 мартдаги “Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 119-сон қарорлари асосида амалга оширилади.

Ушбу қарорларга мувофиқ, моддий маданий мерос объектларининг аслийлигини сақлаш, уларнинг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ва ҳар қандай қайта қуриш ёки реконструкция ишлари белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади. 2024 йилда Кенгаш таркиби янгиланиб, мақоми ва функциялари белгилаб берилди. Хусусан, моддий маданий мерос объектлари ва уларга туташ ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳаларни кўриб чиқиш, тарихий муҳит ва архитектура яхлитлигини сақлаш бўйича хулосалар бериш, илмий тадқиқотлар, таъмирлаш ва реконструкция ишлари устидан қатъий илмий назоратни таъминлаш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда моддий маданий мерос объектларига тегишли ҳар

бир лойиҳа кенгаш аъзолари томонидан ҳуқуқий ва илмий ёндашув асосида, юқори масъулият билан кўриб чиқилмоқда.

– 2025 йилнинг январь-март ойлари давомида Илмий-эксперт кенгаши 5 та йиғилиш ўтказди, – деди Маданий мерос агентлиги бошқарма бошлиғи Муҳиддин Меликулов.

– Ушбу йиғилишларда юридик ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган жами 439 та лойиҳа ҳужжати комплекс равишда кўриб чиқилди. Лойиҳалар асосан тарихий обидаларни таъмирлаш, ёритиш, қўшимча қурилишларни амалга ошириш, таъмирлаш-тиклаш, муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш, маданий мерос объектлари муҳофаза ҳудудларида амалга ошириладиган қурилишлар билан боғлиқ бўлди. Лойиҳаларни кўриб

чиқиш жараёнида маданий мерос объектнинг тарихий-қурилиш ҳужжатлари ва асл қиёфаси асос қилиб олинди. Қурилиш, таъмирлаш ва инжиниринг ишлари замонавий талабларга жавоб бериши, бироқ моддий меросга зарар етказмаслиги шарт қилиб қўйилди. Лойиҳалардан 69 таси маъқулланган бўлса, 197 тасига шартли равишда розилик берилди.

Шунингдек, кўпгина лойиҳаларда тарихий объектлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ ва асосли бўлмаганлиги, меъморлик ечимлари ва қурилиш деталлари етарлича аниқ ишлаб чиқилмаганлиги, жойлардаги маҳаллий органлар билан ҳамкорликда ишлашда етарли мувофиқлаштириш мавжуд эмаслиги сабабли 173 тасига рад жавоби берилди.

Вилоятлар кесимида олганда, Самарқанд вилояти барча ҳудудлар ичида энг кўп, яъни 250 та лойиҳа тақдим этган. Мазкур кўрсаткич умумий лойиҳаларнинг 57 фоизини ташкил этади. Бу вилоятдаги бой тарихий меросга бўлган эҳтиёж ва лойиҳалаштириш жараёни фаоллигини кўрсатади. Бухоро вилоятидан 73 та, Хоразмдан 5 та лойиҳа тақдим этилди. Тошкент шаҳри ҳам фаол ҳудудлардан бўлиб, тарихий обидалар ва уларнинг муҳофаза ҳудудларига оид лойиҳалар сони 34 тани ташкил этди.

Барча йиғилишларда тегишли соҳаларда фаолият юритаётган мутахассислар, тарихчи олимлар, меъморлар ва давлат органлари вакиллари иштирок этди. Лойиҳалар ҳар томонлама – меъморий, ҳуқуқий ва маданий нуктаи назардан атрофлича чуқур таҳлил қилиниб, тарихий муҳит ва объектнинг асл қиёфасига таъсир этмаслиги асосий мезон сифатида белгиланди.

Илмий-эксперт кенгаши 2025 йилнинг иккинчи чорағида ҳам ушбу йўналишдаги ишларни давом эттирмоқда. Асосий қўзланган максад, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларни эҳтиёткорлик билан пухта тиклаш ва ҳар қандай реконструкция жараёнида миллий меросни асраш таъминлашга қатъий амал қилишдан иборатдир.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил май ойининг 2-5 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Хўжалик ишлари бўлими фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси **Бахтиёр Карабаев**, хизмат хоналари фарроши **Гулмира Раҳимова**, Лойиҳа фаолияти ва сейсмик хавфсизлик талабларини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Фаррух Муҳаммадиев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Худудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Маҳаммад Ағаликов**, Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектлари мониторингини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Рустам Ҳикматуллаев**, Ер ости суваридан фойдаланишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Ҳолмуҳаммад Мамажонов**,

“Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа қидирув институти ДМ Инновацион ва тақдимот материаллари лойиҳаларини ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи **Жавохир Қайюмов**,

“Ташгипрогор” АЖ 1-тоифали муҳандиси **Дана Обичкина**,

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ етакчи муҳандиси **Абурайхон Сафев**, СОА муҳандиси **Ботир Мулладжанов**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устахонаси 2-тоифали архитектори **Азиза Бабаханова**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси дурадгори **Икромхўжа Абдуллаев**, Муҳандислик коммуникациялари ва технологиялари бошқармаси бош мутахассиси **Фирдавс Фахризода**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи мутахассиси **Парахат Тлеуниязов**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси қоровули **Аҳмадилло Шерматов**,

Бухоро вилояти Ғиждувон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Абдуфаттох Ярашев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш бўлими бошлиғи **Лаизбек Улуғов**,

Қашқадарё вилояти Касби тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Бегзод Эшонқулов**, Шахрисабз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Улугбек Умуразоков**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Нуриддин Рўзиев**,

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Собир Юлдашев**,

Наманган вилояти Уйчи тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Собир Юлдашев**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мушоаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси етакчи мутахассиси **Аббосбек Ахмаджонов**,

Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги “Gold Boshqaruv Xizmat Kompaniyasi” МЧЖ БСК бош директори **Илхом Азимов**,

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Бирлашган сервис компанияси 777” МЧЖ БСК бош директори **Ҳасан Ортиқов**,

Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги “LMM GRIN” МЧЖ БСК бош директори **Абдураҳмон Абдуллаев**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Транспортник-коммунал” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Сергей Сираповларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ
ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА
O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирождин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маҳкамов
Мусакхх	Марҳамат Муслимқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсаноатқурилишматериаллари”
ушумаси, “ЎзТАШҚИЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 90-349-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бурутма – Г- 541.
2006 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
кечган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
кайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида теришти ва саҳифаланди.
Газетанинг типографик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни –
Тошпириш – 0130.